

- 4.1. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тасодифан нобуд бўлиши маҳсулотни топширилган пайтдан бошлаб **"Истеъмолчи"** га ўтади.
- 4.2. Озиқ-овқат маҳсулотларини топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар **"Таъминотчи"** сифатига қафолат беради.
- 4.3 **"Истеъмолчи"** маҳсулотларни қабул қилиб олишда маҳсулот миқдорининг камлиги, сифатсизлиги аниқланган тақдирда маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

#### **V. ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.**

Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва шартнома амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача этиб белгиланади.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 6.1. Маҳсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва ҳар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда товон (пеня) тўлайди.
- 6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун **"Истеъмолчи"** ҳар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,2 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда товон (пеня) тўлайди.
- 6.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.**

- 7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
- 7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

#### **VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.**

- 8.1. Томонларнинг хоҳиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда ( Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

#### **IX. БОШҚА ШАРТЛАР.**

- 9.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сўнг 10 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган ҳисобланади.
- 9.2. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир - бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.
- 9.3. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.
- 9.4. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.
- 9.5. Шартномада иловалар мавжуд бўлган тақдирда улар шартноманинг ажралмас қисмини ташкил этади.